

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**“Ер мониторинги” фани**

**Давлат ер мониторинги ўтказиш  
асослари ва тузилмаси**

**Тошкент - 2018**

# Мавзу: Давлат ер мониторинги ўтказиш асослари ва тузилмаси

*Режа:*

- 1. Ер мониторингини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.*
- 2. Ер мониторингини ўтказиш бўйича ваколатли органлар тузилмаси.*
- 3. Ер мониторингини ўтказиш турлари.*



***Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги таъкидланган.***

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-модда***

## ***ЕР МОНИТОРИНГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ***

***Ер мониторинги*** - 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарори асосан жорий қилинган.

[ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ мониторинг 496 қарор.doc](#)

## ***Ер мониторингини юритишга доир қонун хужжатларига қуйидагилар киради:***

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. 30.04.1998. йилда қабул қилинган .
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 09.12.1992. йилда қабул қилинган .
3. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни. 03.12.2004. йилда қабул қилинган
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. 15.04.1999. йилда қабул қилинган
5. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. 26.12.1997. йилда қабул қилинган
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонуни. 30.04.1998 йилда қабул қилинган .
7. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги” қонуни. 30.04.1998 йилда қабул қилинган .
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 29.08.1996. йилда қабул қилинган
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган ва 01.04.1995. йилдан кучга кирган
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ер кодексидан ташқари ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- **Ўзбекистон Республикаси қонунлари;**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари;**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари;**
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;**
- **Вазирлик ва давлат қўмиталари ҳужжатлари;**
- **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари.**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси  
қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси палаталари қарорлари  
**қонунчилик ҳужжатлари** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
фармонлари, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик  
ва давлат қўмиталари ҳужжатлари,  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари  
қарорлари **қонун ости ҳужжатлари**  
ҳисобланади.

## **Ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қуйидаги турларга бўлинади:**

- умумий аҳамиятдаги қонунлар;
- махсус аҳамиятга эга қонунлар;
- муҳофаза этувчи аҳамиятга эга қонунлар.

Ер муносабатларини тартибга солувчи **умумий аҳамиятдаги қонунларга** қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни.
4. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни.

Ер муносабатларини тартибга солувчи **махсус аҳамиятга эга** қонунлар сирасига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни.

Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган **муҳофаза этувчи аҳамиятга эга** қонунларга қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва б.қ.

**Ер муносабатларини тартибга солишда ва ер мониторингини юритишда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинади, уларни ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:**

- 1. Норматив-ҳуқуқий (Конституция, қонунлар, фармон, қарор, йўриқнома, низом ва уставлар);***
- 2. Меъёрий-техник (стандартлар, кўрсатма ва меъёрий ҳужжатлар)***

Республикамизда ер ресурсларини бошқаришни Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси номидан махсус орган – **Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси** амалга оширади.

Ер муносабатларини тартибга солишда ягона давлат сиёсатини юритишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги ПФ-3503-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” ги Фармони ва **Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил этилган.**

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг  
ТУЗИЛМАСИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вилоят ва Тошкент шаҳар Ер  
ресурслари ва давлат кадастри  
бошқармалари  
(давлат бюджети)**

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вилоят ва Тошкент шаҳар Ер  
тузиш ва кўчмас мулк кадастри  
давлат корхонаси  
(хўжалик ҳисоби)**

**Туманлар Ер ресурслари ва  
давлат кадастри бўлимлари  
(давлат бюджети)**

**Туманлар Ер тузиш ва кўчмас  
мулк кадастри давлат корхонаси  
(хўжалик ҳисоби)**

## *“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг асосий вазифалари:*

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва **ерлар мониторингини ташкил қилиш**, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- геодезия ва картография фаолиятини бошқариш;
- давлат геодезия назоратини ташкил этиш;
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

# ***ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ОРГАНЛАРИ***

***Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан***

***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари *иштирокида амалга оширилади.****

UZDAVYERLOYINA



Вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш *Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси* томонидан амалга оширилади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар иштирокида ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган *ягона услуб бўйича олиб борилади*, бу услуб ерларнинг ҳолатини, тезкор ва мунтазам кузатиш ишларини амалга оширувчи, тадқиқотлар, текширишлар ўтказувчи ёки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари,  
геодезия, картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси  
Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси


## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ УСЛУБИ**




### **МЕТОДИКА ПО МОНИТОРИНГУ ЗЕМЕЛЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

ТОШКЕНТ - 2011

## Ер мониторингини олиб бориш тартиби






Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги




Аҳоли пунктлари ерлари мониторинги



Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги



Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион мақсадлардаги ерлар мониторинги, Тарихий-маданий мақсаддаги ерлар мониторинги




Ўрмон фонди ерлари мониторинги



Сув фонди ерлари мониторинги



Захира ерлар мониторинги




Ўзбекистон Республикаси Ўр  
мон фондига ва табиат заҳираси  
картография ва табиат заҳираси  
давлат қўмитаси


# Ер мониторинги ўтказиш турлари

Муддатлари ва даврийлигига кўра ер мониторингини ўтказиш *3 турда амалга оширилади:*

- \* *базавий* (ер мониторингини юритишнинг дастлабки босқичида кузатиш, объектларининг ҳақиқий ҳолатини қайд этувчи бошланғич) кузатишлар;
- \* *даврий* (йиллик ва бир йиллик устидаги даврлар бўйича)
- \* *тезкор* (жорий ўзгаришларни қайд қилувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда мунтазам ёки бир йўла бажариладиган кузатишлар.



**Республика бўйича суғориладиган экин ер майдонларининг ўзгариши**



**Республика бўйича кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг ўзгариши**

# Амударё туманидаги фермер хужаликларида 2015 йил ҳосили учун экилган пахта майдонларига ўтказилган мониторинг натижалари буйича МАЪЛУМОТ

№	Массивлар номи	жами экин майдони	Асосий пахта экиш режаси га	ҳақиқатда экилган майдон га				кўкарувчанлиги				Асосий пахта экиш режасига нисбатан фарқи +/-	сифатсиз экилган майдон, га	Ф.Х. бошқа экилган экинлар	Бошқа экинлар	Шоли		
				жами	шундан			тулик униб чиққан	75%	50%	25%						униб чиқмаган	
					60 см	90 см	куш катор											боғ орасига
1	ДЎСТЛИК	2014	1124	1298,6	470,4		828,2		1297,3		1,3			174,6	62,9	25,4		
2	ТЎЛҚИН	1601,6	890,0	1102,3	528,1		574,2		1052,8	49,5				212,3	36,7	22,7		
3	ХОРАЗМ	1996,3	1097,0	1335,6	623,4		712,2		1223,9	84,7	27,0			238,6	37,5	24,7		
4	ХИТОЙ	1711,2	783,0	967,2	424,7		542,5		898,7	67,8	0,7			184,2	33,2	18,7		
5	ЎЗБЕКИСТОН	2490,4	1176,0	1417,6	589,7		827,9		1414,2	3,4				241,6	72,5	33,6		
6	ЗАРБДОР	1465,2	814,0	982,9	479,9		503,0		975,1	7,8				168,9	41,1	21,8		
7	ОҚ ОЛТИН	1896,8	1065,0	1296,3	561,9		734,4		1247,2	19,6	29,5			231,3	38,8	17,5		
8	ҚАНГЛИ	1973,8	1113,0	1349,3	666,2		683,1		1284,4	62,1	2,8			236,3	43,5	27,7		
9	ҚИПЧОҚ	2195,9	893,0	1133,5	492,9		640,6		1101,2	32,3				240,5	104,0	40,0		
10	МАНФИТ	2473,3	1303,0	1612,8	1038,9		573,9		1605,6	6,2	1,0			309,8	100,1	47,3		
11	АМИР ТЕМУР	1230,2	618,0	763,1	352,3		410,8		740,9	22,2				145,1	55,9	16,2		
12	Й.ЎРОЗБОЕВ	1891,5	1024,0	1328,8	746,0		582,8		1269,3	59,5				304,8	61,0	32,7		
13	ҚИЛИЧБОЙ	2697,7	1508,0	1903,0	1254,2		648,8		1875,0	22,5	5,5			395,0	83,3	43,1		
14	ТУРКМАНИСТОН	1462,3	855,0	1040,9	477,1		563,8		1036,1		4,8			185,9	90,5	20,9		
15	БЕРДАҚ	2997,9	936,0	1171,4	1171,4		0,0		1018,2	115,4	37,8			235,4	74,3	43,9		
16	НАМУНА	585,1	327,0	374,8	0,0		374,8		368,9	5,9				47,8	37,2	7,7		
17	ТОШ ЁП	643,8	324,0	421,9	186,9		235,0		421,9					97,9	17,2	9,3		
17	Туман бўйича жами:	31327,	15850,	19500,	10064,	0,0	9436,	0,0	18830,	559,	110,	0,0	0,0	3650,0	0,0	989,	453,2	0,0

Ерларнинг *базавий ва даврий* мониторинги:

- Қорақалпоғистон Республикаси вилоятларида - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари;
- Тошкент шаҳрида – “Ергеодезкадастр” бошқармасининг “Ермулккадастр” давлат корхонаси томонидан юритилади.

Ерларнинг *тезкор* мониторинги базавий ва даврий мониторинги маълумотлардан фойдаланилган ҳолда:

- шаҳарлар ва қўрғонларда - “Ергеодезкадастр” бошқармасининг туман ва шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси томонидан юритилади;
- республиканинг қолган ҳудудларида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг туман бўлимлари томонидан юритилади.

***Ер мониторингини юритиш буйича ишлар***

давлат бюджети маблағлари хисобига амалга оширилади.

***Ер мониторинги буйича давлатлараро ва халқаро дастурларни маблағ билан таъминлаш***

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тузадиган битимлари ва шартномаларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эътиборларингиз  
учун раҳмат!

